

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2023 йил 14 ноябрь куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, судья М.Ахмедовнинг раислигида, ҳайъат судьялари: Т.Турсунов ва Д.Дадахановалардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси: У.Умаровнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Р.Раджапов, маҳкум XXX ва унинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилган - “ADOLAT DAVLAT POYDEVORI” адвокатлик бюроси адвокати Ю.Ибрагимовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2023 йил 28 сентябрдаги ҳукмига кўра судланган:

XXX, 1981 йил 1 март куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, тўрт нафар фарзанди бир, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, “Чилтўғон” м.ф.й, Шарофиддин Илоқий кўчаси, 7-уйда истиқомат қилган, “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2023 йил 23 майдан қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 4 август куни олганга нисбатан 1-1010-2302/329-сонли жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукмга маҳкум XXX томонидан келтирилган апелляция шикоятини жиноят иши билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2023 йил 28 сентябрь кунидаги ҳукмига кўра, XXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга мазкур модда билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган. XXXга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ даврида гиёҳвандликдан даволаниш бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи XXX гиёҳвандлик воситаларни олиб сотиш билан шуғулланиб, шу йўл билан енгил моддий даромад орттириш мақсадида, ўзига тегишли бўлган “iphone” телефон аппаратидаги телеграм ижтимоий тармоғида дастлабки тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган номаълум шахс томонидан ташкил



этилган “dwight manfredi” номли телеграм бот орқали гиёҳвандлик моддаларни бир манзилдан иккинчи манзилга маълум миқдордаги ҳақ эвазига етказиб беришга келишиб, 2023 йил 12 май куни “dwight manfredi” телеграмм бот орқали жўнатилган манзил, яъни Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманида жойлашган дала майдонидан жами 5 дона умумий оғирлиги 1,126 граммни ташкил этувчи (a-PVP) альфа-пирролидиновалерофенон моддаларни олиб, мазкур моддаларни бошқа манзилга етказиб бериш мақсадида, қонунга хилоф равишда эгаллаб, ташиб ва сақлаб келиб, шу кунни ўзида соат 09:10 ларда Бектемир туманида жойлашган “Шарқ” ЙПХ масканидан А.Наровнинг бошқарувидаги, давлат рақами белгиси 10 X 250 ТА бўлган, “Damas” русумли автоуловда йўловчи тариқасида ўтиб кетаётган вақтида, ИИО ходимлари томонидан гиёҳвандлик йўналишидаги жиноятчиликка қарши кураш давомида, мазкур автомашина тўхтатилиб, уни ёни холислар иштирокида текширилганда, эғнидаги шимининг ўнг чўнтагидан ўтказиш мақсадида олиб кетаётган 1,126 грамм (a-PVP) альфа-пирролидиновалерофенон моддалар аниқланиб, холислар иштирокида баённома асосида расмийлаштирилиб олиб қўйилган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2023 йил 12 майдаги 1338-сонли хулосасига кўра, ХХХдан олинган 5 дона шаффоф полиэтилен пакетчадаги оқ рангли ўзига ҳос хидли кукунсимон ҳолдаги оғирлиги: 2,21 граммни ташкил қилган моддаларнинг таркибида (a-PVP) альфа-пирролидиновалерофенон моддаси (объектлар 1-5) мавжудлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика Суд экспертиза марказининг 2023 йил 27 июндаги 29/18(5026)8.1Z/8863-сонли хулосасига кўра, ХХХдан олинган 5 дона шаффоф полиэтилен пакетчадаги оқ рангли ўзига ҳос хидли кукунсимон ҳолдаги (a-PVP) альфа-пирролидиновалерофенон моддасини соф оғирлиги 1,126-граммни ташкил этишлиги ҳақида хулоса тақдим этган.

(a-PVP) альфа-пирролидиновалерофенон - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида, 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорининг 1-рўйхатига кўра, Республика ҳудудида муомаласи таъқиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган.

Маҳкум ХХХ томонидан келтирилган апелляция шикоятда тайинланган жазони қайта кўриб чиқиб, адолатли қарор чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Д.Дадаханованинг маърузасини, прокурор Р.Раджаповнинг апелляция шикоятини рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосаси, ҳимоячи Ю.Ибрагимов ва маҳкум ХХХнинг ҳукми ўзгартириб, уни ҳаракатларини ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмига қайта малакалашни сўраб берган фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган вазларни атрофлича муҳокама қилиб, жиноят иши



хужжатларини батафсил ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан шикоятни каноатлантирмасдан қолдириб, ҳукмни ўзгартирмасликни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ҳимоячи Ю.Ибрагимовнинг маҳкум ХХХ гиёҳвандлик воситаларини ҳақ эвазига ташигани сабабли уни ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиниши ҳақидаги важларини ҳамда маҳкум ХХХнинг у гиёҳвандлик воситаларини сотиш мақсади бўлмагани, ўзининг истеъмоли учун гиёҳвандлик воситаси олиш эвазига жами 5 дона пакетчадаги гиёҳвандлик воситаларини ер остига кўмиш учун олиб кетаётганида ушлангани ҳақидаги важларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси талабларидан келиб чиқиб баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига мувофиқ текшириб, унинг гиёҳвандлик воситаларини сотишга суиқасддаги айби қуйидаги инкор қилиб бўлмас далиллар мажмуи билан, яъни:

маҳкум ХХХнинг дастлабки тергов ва биринчи босқич судида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у тахминан 10 йилдан буён “наша” гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб келиши, охириги вақтларда “наша” гиёҳвандлик моддасини сотиб олиш учун қийинчилик туғилганлиги сабабли, турли интернет тармоғи орқали “гашиш” гиёҳвандлик моддасини сотиш билан шуғулланувчи “dwight manfredi” канали орқали “наша” гиёҳвандлик моддасини сотиб олиб, пулларни банк пластик картасига ўтказиб берганлиги, сотиб олган “наша” гиёҳвандлик моддасини жойлашган манзилини унга телеграм орқали жўнатишганлиги, ушбу жойдан қабул қилиб олиб, истеъмол қилиб келганлиги, 2023 йил март ойларида катта миқдорда қарз бўлиб қолганлиги сабабли, ушбу қарзларидан қутилиш мақсадида, турли интернет тармоғлардан иш қидира бошлаганлиги, шунда муқаддам гиёҳвандлик моддасини сотиб олган “dwight manfredi” каналида етказиб бериш бўйича иш борлигини кўрганлиги, ушбу канал билан ўзаро телеграм тармоғи орқали суҳбатлашган вақтида, сайт орқали унга иш беришлари, қандайдир моддаларни бир манзилдан олиб, бошқа бир манзилга етказиб бериш хизмати эканлигини тушунтиришганлиги, ушбу канал унга дастлаб синов муддатида бўлиши, агарда ишларни яхши олиб борса, уни хизмат ҳаққига қараб пуларни банк пластик картасига ўтказиб беришини айтганлиги, 2023 йил 12 май куни “dwight manfredi” канали орқали унга етказиб бериши керак бўлган моддалари жойлашган манзилини телеграм орқали жўнатишганлиги, манзил бўйича Тошкент вилояти, Ўртасаройдаги дала майдонига борганлиги, ушбу жойда ерга кўмилган



ҳолдаги полителин пакетга ўралган нарсани кўрганлигини, ушбу пакетни олиб уни ичини очиб кўрган вақтида, 5 дона яшил рангли полиэтилин пакетга ўралган моддалар борлигини билганлиги, унга кўрсатма бўйича ушбу моддаларни Тошкент шаҳрига олиб келиб телеграм канали орқали кўрсатилган манзилга етказиш керак бўлганлиги, дала майдонидан олган 5 дона моддаларни олиб, Тошкент шаҳрига йўлга тушганлиги, Ўртасарой марказида Тошкент шаҳрига қатновчи “Дамас” русумли автомашинасига йўловчи тариқасида ўтирганлиги, автомашинада ундан ташқари бошқа йўловчилар ҳамда бўлганлиги, соат тахминан 09:10 ларда, Тошкент шаҳрига кириш қисмида жойлашган “Шарқ” ЙПХ масканидан ўтаётган вақтида, масканда хизмат олиб бораётган ЙХХБ ходими автомашинани тўхтатиб, ҳайдовчидан автомашина ҳужжатларини сўраб, уларга масканда гиёҳвандлик моддасига қарши тезкор тадбир кетаётганлиги, шу сабабли уларни ёни ҳамда автомашинани кўздан кечиришларини маълум қилиб, икки нафар фуқароларни холис сифатида таклиф қилиб, ундан ёнида бўлган барча нарсаларни кўрсатишини сўрашганлиги, шу вақтда эғнида бўлган шимининг ўнг олд чўнтагида дала майдонидан локация бўйича олиб келаётган 5 дона дори воситалари аниқланганлиги... ҳақида берган кўрсатувлари;

гувоҳ Р.Мечетбаевнинг биринчи босқич судида “...ХХХга тегишли “Айфон” русумли телефон аппарати олиниб, уни ичидаги маълумотлар текшириб кўрилган вақтда, турли гиёҳвандлик моддасини беркитиш (заклатка) фаолияти билан шуғулланаётганлиги ҳақидаги фото ҳамда видео таъсирлар мавжудлиги аниқланганлиги, сўнг ХХХдан такроран ушбу аниқланган моддаларни қаердан олганлигини, қайси манзилга олиб кетаётганлиги ҳақида такрор сўралганда, ХХХ ушбу моддани Тошкент вилояти ҳудудидан локация бўйича олганлиги, Тошкент шаҳри туманларига алоҳида-алоҳида тарзда беркитиб чиқиш кераклигини маълум қилганлиги” ҳақидаги кўрсатувлари;

гувоҳ М.Шарипов ҳамда А.Норовнинг биринчи босқич судида гувоҳ Р.Мечетбаевнинг кўрсатувларига ўхшаш берган кўрсатувлари;

жиноят иши ҳужжатларидаги шахсни ва автомашинани тинтув қилиш ва далилий ашёларни олиб қўйиш ҳақидаги баённома, ўтказилган судга оид кимёвий ва судга оид наркологик экспертизаларнинг хулосалари, жиноят ишига илова қилинган фото жадваллар ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Бундан ташқари, маҳкум ХХХ муқаддам “dwight manfredi” номли телеграм бот орқали номаълум шахсдан гиёҳвандлик воситалари харид қилиб келган бўлиб, мазкур ботда номаълум шахс томонидан гиёҳвандлик воситалари бот орқали юборилган манзилларда кўмиб қўйиш йўли билан сотилишидан хабардор бўлгани ҳолда “dwight manfredi” номли телеграм бот орқали терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмагани шахс юборган манзилда 5 дона полиэтилен пакетдаги гиёҳвандлик воситаларини Тошкент шаҳрида номаълум шахс юборган манзилларга кўмиш учун ҳақ эвазига олиб



келаётгани у мазкур номаълум шахс билан тил бириктириб, гиёҳвандлик воситаларини сотишга суиқасд қилганидан далолат беради.

Юқоридаги далиллар билан маҳкум ХХХнинг айби тўлиқ ўз исботини топгани сабабли апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг фикрича, биринчи босқич суди томонидан маҳкум ХХХнинг кўп миқдордаги жами 5 дона умумий оғирлиги 1,126 граммни ташкил этувчи (а-PVP) альфа-пирролидиновалерофенон гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмига мувофиқ давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмига мувофиқ жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Апелляция инстанцияси маҳкум ХХХнинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, мукаддам судланмаганлигини, тўрт нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, шу билан бирга содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, ҳозирда мазкур тоифадаги жиноятлар сони ошиб, кескин кураш кетаётганлигини инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, биринчи босқич суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида белгиланган инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларидан келиб чиқиб, ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, тўғри хулосага келган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, биринчи босқич судининг суд-наркологик экспертизасининг 2023 йил 31 июлдаги 1388-сонли хулосасига кўра, ХХХ гиёҳванд ва мажбурий даволанишга муҳтож эканлигини инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаш ҳақидаги хулосаси ҳам асослидир.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати туман судининг ХХХга оид ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослар мавжуд эмаслиги сабабли ўзгаришсиз қолдиришни, апелляция шикоятини қаноатлантиришда рад этишни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси, ЖПКнинг 497^{17,25,26,31}-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2023 йил 28 сентябрдаги XXXга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида протест билдиришга ёки шикоят беришга ҳақли эканликлари тушунтирилсин.

Раислик қилувчи: /имзо/ **М.Ахмедов**

Ҳайъат аъзолари: /имзо/ **Т.Гурсунов**

/имзо/ **Д.Дадаханова**
Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья:

